

O'zbekiston Respublikasi Mehnat vazirligining
2016 yil 19 apreldagi 47-ich-sonli
buyrug'i bilan tasdiqlangan

**«HILDI»**
Respublikasi Mehnat vazirligining
muhojirlar va mehnatni
muhojirlar markazi direktori
S.Dusmatov

2016 йил «18» aprel

**«TASDIQLAYMAN»**
Respublikasi Mehnat vaziri
A.Abduhakimov

2016 йил «19» aprel

**Respublika aholi bandligi va mehnatni muhofaza qilish
ilmiy markazi davlat muassasasi**

N I Z O M I

Toshkent-2016 y.

Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат вазирлигининг
2016 йил “19” апрелдаги
47-ич-сон буйруғига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги
“Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза
қилиш илмий маркази”нинг
НИЗОМИ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг “Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази” (кейинги ўринларда “Илмий марказ” деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 24 февралдаги ПҚ-2498-сон қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулки объектларидан самарали ва рационал фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида” 2015 йил 9 октябрдаги 289-сон қарори асосида ташкил этилган.

Илмий марказ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда Меҳнат вазирлигининг буйруқлари, йўриқномалари, кўрсатмалари, шунингдек ушбу Низомга асосан амалга оширади.

2. Илмий марказнинг муассиси бўлиб Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳисобланади. Марказ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг ташкилий тузилмасига кирувчи мустақил давлат илмий муассасасидир.

3. Илмий марказ нотижорат ташкилот ҳисобланиб, Давлат бюджети, Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ва қонунчиликка мувофиқ тўланадиган бошқа маблағлар ҳисобидан сақлаб турилади.

4. Илмий марказ ўз балансига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва тижорат банкларида очилган ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган ва ўз номи ёзилган муҳрга, штампга, фирма бланкасига ҳамда ўз фаолияти учун зарур бошқа белгилар ва реквизитларга эга бўлади.

5. Илмий марказ ташкилий жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигига бўйсуниб, ўз фаолиятини иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш,

иш ўринларини аттестациядан ўтказиш бўйича мутахассис малака сертификатини бериш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш учун тўланадиган йиғимлар, малака ошириш учун тўловлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг дастурлари, вазирликлар, ҳокимиятлар, ташкилотлар, муассасалар ва корхоналар буюртмалари ҳисобига тўланадиган ва бошқа хўжалик ҳисоби маблағлари ҳисобидан амалга оширади.

6. Илмий марказнинг номи:

давлат тилида – Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази;

инглиз тилида – Republican scientific centre on population employment and labour safety;

рус тилида – Республиканский научный центр занятости и охраны труда.

7. Марказнинг почта манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 37-уй.

II. ИЛМИЙ МАРКАЗНИНГ МАҚСАДИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

8. Аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида илмий-амалий ишлар, тадқиқотлар, лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги тизимига кирувчи раҳбар ва мутахассис ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказ фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланади.

9. Қуйидагилар илмий марказ фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

иқтисодий ривожланишнинг устуворликларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат, аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

меҳнат миграцияси, шу жумладан ички миграция соҳасида рўёбга чиқаётган жараёнларни таҳлил қилиш, уларнинг сабабларини илмий асослаш, уни бошқариш ва таъсир кўрсатиш йўллари бўйича тадқиқотлар ўтказиш;

худудларни демографик ва иқтисодий ривожлантириш прогнозлари асосида аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

ишга жойлашишга муҳтож, иш билан банд бўлмаган аҳолини касбий қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштириш бўйича сифатли хизматлар кўрсатишга оид илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда амалий ишланмалар лойиҳаларини тайёрлаш, шунингдек бу борада замонавий хизматлар кўрсатиш;

меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш, ишлар, касблар ва лавозимларнинг тариф-малака маълумотномаларида акс эттирилмаган лавозимлар ва ишларни тариф сеткасининг тегишли разрядларига киритиш масалаларида хўжалик бошқаруви органларига ва бошқа ташкилотларга методик ва амалий ёрдам бериш;

меҳнат, бандлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун

хужжатларини, меҳнат муносабатларини такомиллаштириш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

касаначилиқ, оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик фаолияти ва аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлашининг бошқа шакллари ривожлантирилишини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

меҳнат соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий ахборотларни таснифлаш ишларини амалга ошириш, меҳнат меъёрлари ва қоидаларини, шунингдек хизматчиларининг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг тариф-малака тавсифномаларини ишлаб чиқиш;

Республика ва маъмурий-худудий тузилмаларнинг меҳнат ресурслари сони ҳамда таркибини ўрганиш ва такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги тизими фаолият йўналишлари бўйича раҳбар ходимлари ва мутахассис кадрларини, корхона ва ташкилотларнинг ходимларини замонавий билимларга асосланган ҳолда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўрта-маҳсус, касб-ҳунар таълими ҳамда олий таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини тадқиқ қилади ҳамда унинг натижалари асосида ишчи кадрларнинг ва ўқув юртларида мутахассисларнинг касб тайёргарлиги йўналишларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

меҳнат шароитларини баҳолаш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш учун меъерий базани яратиш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилишга тааллуқли хужжатларнинг ишлаб ва қайта кўриб чиқишни ҳамда иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказишда илмий-услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш;

иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш;

иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича мутахассис малака сертификатини олиш учун имтиҳонларни ташкил этиш маҳсус идоралараро имтиҳон комиссияси ишини ташкил этиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш ва малака ошириш дастури бўйича маҳсус ўқитиш ҳамда малака ошириш курсларини ташкил этиш;

меҳнат, аҳоли бандлиги, меҳнат муҳофазаси ҳамда меҳнат муносабатлари масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлатлар таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

меҳнат, аҳоли бандлиги, меҳнат муҳофазаси ҳамда меҳнат муносабатлари масалалари юзасидан маҳсус социологик тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш;

илмий-техникавий ва ихтисослаштирилган кенгашлар ташкил қилиш, тегишли илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда меҳнат, аҳоли бандлиги, меҳнат муҳофазаси ҳамда меҳнат муносабатлари масалалари юзасидан олиб борилаётган илмий изланишларни мувофиқлаштириш;

меҳнат, аҳоли бандлиги, меҳнат муҳофазаси ҳамда меҳнат муносабатлари масалалари бўйича меҳнат соҳаси ходимлари ҳамда бошқа соҳа мутахассисларининг билимларини ошириш бўйича ўқитиш;

илмий йўналишлар асосида, монографиялар, дарсликлар ва даврий ахборотномалар, журналлар ва бошқа нашрлар ташкил қилиш ҳамда чоп этиш.

III. ИЛМИЙ МАРКАЗНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

10. Илмий марказ ўз мақсади ва фаолиятининг асосий йўналишларини амалга ошириш бўйича қуйидаги ҳуқуқларга эга:

тегишли вазирлик, идоралар ва бошқа ташкилотлардан статистикага оид маълумотлар ҳамда зарур материалларни олиш учун мурожаат қилиш;

вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, оммавий ахборот воситалари ва чет эл ташкилотлари билан шартномавий муносабатларни ўрнатиш;

судларда мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлар кўрилганда даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этиш;

ўз пул маблағларидан мустақил ва самарали фойдаланиш;

ўз ходимларидан ташқари, бошқа корхона ва ташкилотларнинг илмий ходимлари ва мутахассисларини шартнома асосида, шунингдек қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа шаклларда ишларни бажариш учун ёллаш;

иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича мутахассис малака сертификатини олиш бўйича имтиҳонларни ташкил этиш, имтиҳон комиссияси хужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ва таклифлар киритиш;

меҳнат миграцияси соҳасида социологик ўрганишлар ва илмий тадқиқотлар ўтказиш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташкил этиш ҳамда улар фаолиятини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элларда ишга жойлаштиришнинг самарали ва замонавий механизмларини жорий этиш юзасидан тадқиқотлар ўтказиш;

жойларда ўз бўлинмаларини очиш, чет эл ташкилотлари билан қўшма корхоналар тузиш, кичик корхоналар ташкил қилиш, банк кредитларидан фойдаланиш;

тегишли илмий-техникавий ва ихтисослаштирилган кенгашлар ташкил қилиш, шунингдек давлат-хусусий мулк шерикчилиги асосида илмий-амалий журналлар, турли хизматларни кўрсатувчи ташкилотларни, касбга қайта тайёрлаш курсларини таъсис этиши ва таъсисчи сифатида қатнашиш;

ноширлик фаолиятини белгиланган тартибда амалга ошириш, ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, илмий журнал ва мақолалар тўпламларини нашр қилиш;

ажратилган бюджет маблағлари, ўз маблағлари ва грант маблағлари ҳисобидан зарур жиҳоз ва анжомларни харид қилиш;

тежаб қолинган маблағларни, шунингдек шартнома асосида тушадиган маблағларни ўзининг моддий-техника базасини яхшилашга, янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа адабиётлар сотиб олишга, нашр этишга ва ходимларни рағбатлантиришга сарфлаш;

илмий-услубий ишларга юқори малакали мутахассисларни, тажрибали амалиётчи ходимлар ва хориждан мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш;

ўз фаолиятини ривожлантириш учун модернизация ва янги технологиялар, ижтимоий ривожлантириш, моддий рағбатлантириш ва валюта ажратмалари жамғармаларини ташкил қилиш. Мазкур маблағлар келгусида фойдаланиш учун йиғилиб, олиб қўйилиши мумкин эмас;

халқаро конференция, симпозиум, семинар ва анжуманларни ташкил қилиш ҳамда уларда иштирок этиш.

Илмий марказ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ тақиқланмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Қуйидагилар Илмий марказ мажбуриятлари ҳисобланади:

илмий-тематик режалари асосида ишлаб чиқилган ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг тегишли бошқарма ва бўлимлари билан келишиш;

ишлаб чиқариш, хўжалик ҳамда илмий-услубий фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигига ҳисобот бериб бориш.

IV. ИЛМИЙ МАРКАЗ ТУЗИЛМАСИ ВА БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

12. Илмий марказнинг тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирининг буйруғига мувофиқ белгиланади.

Илмий-амалий ишлар, тадқиқотлар, лойиҳалар ва дастурлар Илмий марказнинг штатдаги ходимлари ҳамда ишлаб чиқариш зарурати туғилганда вақтинчалик (меҳнат келишувлари асосида) жалб этилган ходимлар томонидан амалга оширилиши ҳам мумкин.

13. Илмий марказ фаолиятига директор раҳбарлик қилади.

Илмий марказ директори уч нафар ўринбосарга эга: директорнинг биринчи ўринбосари ва директор ўринбосарлари.

14. Илмий марказ директори ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Илмий марказ директори ўринбосарлари Илмий марказ директори тавсиясига асосан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги томонидан

тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Илмий марказ директори ўринбосарларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексининг 181-моддасида белгиланган интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли.

15. Илмий марказ директори ўз ваколати доирасида қонун ҳужжатларига мувофиқ буйруқлар чиқаради ва уларнинг бажарилишини таъминлайди.

Директор қонун ҳужжатлари ва мазкур Низомга мувофиқ:

Илмий марказ номидан ишончномасиз иш олиб боради, барча ташкилотларда унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади;

директор ўринбосарлари ўртасида Илмий марказ тузилмасига асосан вазифаларни тақсимлайди;

штатлар жадвалини, шунингдек Илмий марказ таъминоти харажатлари тизимини, сметаларни, шу жумладан турли пулли хизматлар кўрсатиш харажатларини тасдиқлайди ҳамда уларга ўзгартиришлар киритади;

ходимларни ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

Илмий марказ ходимлари учун ойлик маош тизими ва рағбатлантириш жамғармасини тақсимлайди;

Илмий марказнинг мол-мулки ва маблағларини тасарруф қилади;

Илмий марказнинг молиявий, иқтисодий, хўжалик ва бошқа фаолият турлари бўйича шартномаларни имзолайди ҳамда Илмий марказнинг молиявий, иқтисодий, хўжалик ва бошқа фаолият турлари бўйича ишончнома беради, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида ва тижорат банкларида Илмий марказ ҳисоб рақамларини очади;

белгиланган тартибда модернизация ва янги технологиялар, ижтимоий ривожлантириш ва валюта ажратмалари жамғармаларини ташкил қилади;

юқори малакали мутахассисларга, илмий ходимлар ва бошқа ходимларга моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси ҳисобидан ойлик устама белгилайди;

Илмий марказ ходимларини мукофотлайди ва зарур ҳолларда уларга нисбатан интизомий жазо чораларини кўради;

ички меҳнат тартиби қоидаларини белгилайди, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшимча таътил муддатини белгилайди;

илмий кенгашлар, конференция, симпозиум, семинар ва анжуманларда Илмий марказ номидан қатнашади;

Илмий марказда ташкил этилган Илмий кенгаш ишига раҳбарлик қилади;

қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Ўқув дастурларини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг тегишли бошқармалари билан келишилган ҳолда тасдиқлайди;

тасдиқланган режа-жадвалга асосан раҳбар ходимларни ва мутахассис кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиб, тегишли гуруҳларнинг шакллантирилиши бўйича буйруқлар чиқаради;

малака ошириш ва қайта тайёрлашга жалб этилган тингловчилар сабабсиз машғулотларга қатнашмаган ёки ички тартиб қоидаларини бузган тақдирда уларни тингловчилар сафидан чиқаради. Бунда, тингловчилар сафидан чиқарилган ходимнинг иш жойига ҳамда вазирлик кадрлар бўлимига маълумот берилади;

илмий тадқиқотчиларни Илмий марказга бириктириш масалаларини кўриб чиқади;

Илмий марказ таъсисчилигида тузилган “МЕННАТ.UZ” ахборот компьютер маркази” МЧЖ фаолияти бўйича умумий назоратни олиб боради;

“МЕННАТ.UZ” ахборот компьютер маркази” МЧЖ директори ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазири билан келишган ҳолда, Илмий марказ директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

қонунчиликда белгиланган тартибда Илмий марказ асосий воситаларини ижарага беради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ тақиқланмаган бошқа ваколатларни амалга оширади.

16. Илмий марказ директорининг биринчи ўринбосари:

иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича мутахассис малака сертификатини олиш учун имтиҳонларни ташкил этиш махсус идоралараро имтиҳон комиссияси ишини сифатли ва самарали ташкил этишга масъул бўлиб ҳисобланади;

Илмий марказ тузилмасига биноан тегишли таркибий бўлинмалар ва тасарруфий ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

илмий-амалий жараённи ташкил қилишга бевосита раҳбарлик қилади;

илмий-ишлаб-чиқариш режаларини ишлаб чиқиб, тасдиққа киритади;

илмий-тадқиқот ишларига методологик жиҳатдан раҳбарлик қилади;

Илмий кенгаш иш режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Илмий кенгаш муҳокамасига киритади;

Илмий марказнинг илмий ишлари бўйича ҳисоботлар тайёрлайди;

директорнинг топшириғига кўра бошқа вазифаларни амалга оширади.

17. Илмий марказ директорининг ўринбосари:

Илмий марказ тузилмасига биноан тегишли таркибий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштиради;

меҳнат муҳофазаси бўйича меъёрий ҳужжатлар ва давлат стандартларига асосланиб, ўқув-амалий қўлланмалар ҳамда соҳага тегишли адабиётлар чоп этилиши ва амалиётга тадбиқ этилишини ташкиллаштиради;

меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини аттестациядан ўтказиш масалалари бўйича корхона ва ташкилотлар билан шартномалар тузиш юзасидан таклифлар киритади ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади;

меҳнатни регламентлаш ва нормалаш соҳасида меҳнат жамоаларининг илғор тажрибаларини умумлаштиради ва оммалаштиради;

малака оширишни самарали ташкил этиш бўйича назорат олиб боради; директорнинг топшириғига кўра бошқа вазифаларни амалга оширади.

18. Илмий марказ директорининг ўринбосари:

Илмий марказ тузилмасига биноан тегишли таркибий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштиради;

молиявий, иқтисодий ва хўжалик ишларини ташкил этади;

Илмий марказ фаолияти бир маромда бориши учун уни керакли жиҳозлар билан таъминлайди;

Илмий марказ биноларидан талаб даражасида фойдаланиш, биноларда зарур таъмирлаш ва капитал қурилиш ишларини ташкил қилиб, уларнинг сифатли бажарилишини таъминлайди;

Илмий марказнинг хўжалик шартномалари мажбуриятлари бажарилишини таъминлайди, хўжалик фаолияти бўйича ғазна ва банк операциялари амалга оширилишини ташкил этади;

Илмий марказнинг молия-хўжалик ишлари тўғрисидаги режа ва ҳисоботларни тайёрлайди;

директорнинг топшириғига кўра бошқа вазифаларни амалга оширади.

19. Ишлаб чиқариш заруратидан келиб чиқиб, Илмий марказ директори томонидан унинг ўринбосарларининг вазифалари қайта кўриб чиқилиши мумкин.

20. Илмий марказ ва унинг таркибий бўлинмалари Илмий марказ директори томонидан тасдиқланган ички меҳнат тартиби қоидалари, лавозим йўриқномалари ва бошқа тегишли ҳужжатларга мувофиқ фаолият кўрсатади.

21. Илмий марказ меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш муаммолари бўйича Ўзбекистон Республикасидаги бош илмий муассаса сифатида ўзида тегишли илмий кенгаш ташкил қилиши мумкин.

Илмий кенгаш таркибига директор ҳамда заруратдан келиб чиқиб, директор ўринбосарлари ва таркибий бўлинмалар раҳбарлари киради. Шунингдек, илмий кенгаш таркибига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг ҳамда соҳага алоқадор бошқа олий ўқув юртлари, илмий муассасалар, вазирликлар ва ташкилотларнинг олимлари ва мутахассислари киритилиши мумкин.

22. Илмий марказ меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш муаммолари бўйича жамоатчилик муҳокамасини ташкил қилиш мақсадида Жамоатчилик кенгашини ташкил қилиши мумкин.

23. Илмий марказ меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш муаммолари бўйича давлат-хусусий мулк шерикчилиги асосида илмий-амалий журналларни таъсис этиши ва таъсисчи сифатида қатнашиши мумкин.

24. Илмий марказ меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига оид давлат-хусусий мулк шерикчилиги асосида турли касбга қайта тайёрлаш курсларни ва замонавий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларни таъсис этиши ва таъсисчи сифатида қатнашиши мумкин.

V. ИЛМИЙ МАРКАЗ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ, УНИНГ МОЛ-МУЛКИ ВА МАБЛАҒЛАРИДАН САМАРАЛИ Фойдаланиш

25. Илмий марказ фаолиятини молиялаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари;

иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича мутахассис малака сертификатини олиш учун тўланадиган маблағлар;

шартнома асосида пуллик хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

давлат илмий-техникавий дастурлари рўйхатига киритилган илмий дастурларни мақсадли молиялаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари буюртмаси бўйича танлов асосида бажариладиган ишлар учун ажратиладиган маблағлар;

юримдик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик (беғараз) маблағлари;

Илмий марказ биноларининг вақтинча фойдаланилмаётган қисмини бошқа ташкилотларга ижарага беришдан тушадиган маблағлар;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

26. Илмий марказнинг мулки асосий ва айланма маблағлардан, шунингдек бошқа моддий ва номоддий бойликлардан иборат бўлиб, уларнинг қиймати Илмий марказнинг балансида қайд қилинади.

27. Илмий марказ ўзининг ҳисобидаги мулкка эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқини Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

28. Илмий марказнинг маблағлари шартнома бўйича бажарилган ишлар учун тўлов тариқасида келган пул тушумлари, зарур ҳолларда, банк кредитлари ва қарзлари, шунингдек қонунчиликда таъқиқламаган бошқа манбалар ҳисобига ташкил қилинади.

29. Айланма маблағлар фақат Илмий марказнинг ихтиёрида бўлади ва уларни бошқа юридик шахслар унинг тасарруфидан чиқариб олишга ҳақли эмас.

Хўжалик шартномалари ва буюртмаларни бажариш ҳисобига тушган пул маблағлари Илмий марказ фаолиятини молиялаштиришнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, унинг ихтиёрисиз сарфланиши (олиб қўйилиши) мумкин эмас.

30. Илмий марказ ўзининг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлган банк, кредит ва кассага доир муносабатларни амалга оширади. Пул маблағлари ва

моддий бойликларнинг дахлсизлигини таъминлайди.

31. Илмий марказ белгиланган тартибда, бухгалтерия ва статистика ҳисобини юритади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳамда бошқа ваколатли ташкилотлар Илмий марказ фаолиятини амалдаги қонунчиликка мувофиқ назорат қилиши мумкин.

32. Илмий марказнинг маҳсулоти ва хизматларига нархлар буюртмачи билан келишилган шартномавий баҳоларда белгиланади.

33. Илмий марказ ходимлари меҳнатига амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳамда ходимнинг Илмий марказ илмий-амалий, ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятларига қўшган ҳиссасига қараб ҳақ тўланади.

34. Илмий марказ раҳбарлари ва ходимларининг мансаб маошлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 июлдаги “Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 206-сон қарори билан тасдиқланган Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига асосан тўланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2012 йил 11 январдаги 6-сон қарорининг 2-бандига асосан Илмий марказнинг молиявий имкониятларидан ва хўжалик фаолияти натижаларидан келиб чиққан ҳолда, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш учун асос сифатида Ягона тариф сеткасининг оширилган тариф коэффицентларини белгилаши мумкин.

Бунда, илмий ходимлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб ўқитувчилар ва ўқув юртлари муаллимларининг, илмий ходимларнинг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида” 2002 йил 7 августдаги ПФ-3112-сон Фармонининг 1-банди ҳам қўлланилади.

Илмий марказнинг молиявий ва иқтисодий аҳволдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги билан келишилган ҳолда, буюртмага кўра, фундаментал илмий ишлар бажарилган тақдирда, Илмий марказ раҳбарлари ва илмий ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорлари Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори талабларига мувофиқ белгиланиши мумкин.

35. Илмий марказ ходимларини мукофотлаш, ойлик маошларга қўшимча (устама)лар белгилаш ва бошқа қўшимча рағбатлантиришлар Илмий марказ директори томонидан тасдиқланган ва Касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган “Ходимларни моддий рағбатлантириш ва мукофотлаш” тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Илмий марказ директорини ва марказ директори ўринбосарларини мукофотлаш, ойлик маошларга қўшимча (устама)лар ва бошқа қўшимча рағбатлантиришлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги томонидан белгиланади.

VI. ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ БЎЙИЧА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

36. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги тизими фаолият йўналишлари бўйича раҳбар ходимларни ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги томонидан белгиланади.

37. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги томонидан фаолият йўналишлари ва ҳудудлар кесимида махсус буйруқ асосида тасдиқланган режа-жадвалга асосан амалга оширилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш режа-жадвали жорий йил учун йил бошининг биринчи ўн кунлигида тасдиқланади.

38. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёни Илмий марказ томонидан ташкил этилган фаолият йўналишлари бўйича кундузги ўқиш шаклидаги курслар сифатида ташкил этилади.

39. Ҳар бир фаолият йўналиши бўйича курслар Илмий марказ директори томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг тегишли бошқармалари билан келишилган ҳолда тасдиқланган Ўқув дастурлари асосида амалга оширилади.

Ўқув дастурлари мазмунан яқин истиқболга мўлжалланиб, аҳоли бандлиги ва меҳнат муносабатлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида амалий ва назарий жиҳатдан эришилган ютуқларни, қонунчилик ва услубий соҳадаги ижобий ўзгаришларни акс эттириши лозим.

40. Курсларнинг давомийлиги Ўқув дастурида белгиланган соатлар асосида белгиланади. Бунда бир кунлик аудитория соатлари 4 (тўрт) академик соатдан ошмаслиги лозим.

41. Битта курсга кўпи билан 25 нафар тингловчи жалб этилишига йўл қўйилади.

42. Меҳнат вазирлиги тизими ходимларининг малакасини ошириш юзасидан ўқув курслари асосан 10 кун давом этади. Ўқиш муддати тингловчилар таркиби, ўқишга қўйилган талаблар ва тўлов шартларининг тоифаланишига қараб ўзгариши мумкин.

43. Курслар замонавий технологияларга асосланган ҳолда масофавий равишда ташкил этилиши мумкин.

44. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини муваффақиятли, яъни якуний имтиҳон саволларининг камида 75 фоизига жавоб берган тингловчиларга Илмий марказ томонидан расмийлаштирилган сертификат берилади.

45. Малака ошириш якуний имтиҳонларида етарли балл тўплай олмаган тингловчига Илмий марказ директори рухсати билан (бир кундан сўнг) қайта топширишга имконият берилади. Мазкур имкониятдан ҳам фойдалана олмаган тингловчи тингловчилар сафидан четлаштирилади.

46. Илмий марказга малака ошириш учун юборилган тингловчи:

ўқув интизомини ва таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун;

таълим дастурларини ўзлаштирмагани (тест ёки назорат турларини топшира олмагани) учун;

малака ошириш курсидаги дарс машғулотларини узрсиз 25 фоиздан ортиқ миқдорда дарс қолдиргани учун;

саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);

суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан тингловчилар сафидан четлаштирилади.

47. Тингловчи малака ошириш курсидан четлатилганда уни малака оширишга юборган буюртмачи ташкилотга Илмий марказ томонидан маълум қилинади.

48. Курслар давомида фойдаланиладиган маъруза матнлари, тарқатма ва бошқа материаллар илмий марказ томонидан тайёрланади.

Бунда улар ўқув дастурига мос келиши ҳамда таълим фаолияти Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иктисодий ривожланишининг замонавий йўналишларини, шунингдек жаҳон фани, маданияти ва тараққиёти ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиши шарт.

49. Курсларнинг янада унумли фаолият кўрсатиши учун ўқитиш фаолиятига турли ўқув юртларидан профессор-ўқитувчилар, шунингдек республика ва чет эллардан етакчи олимлар, тажрибали амалиётчиларни ўриндошлик ёки алоҳида шартномалар асосида жалб қилиш мумкин.

50. Малака ошириш курслари тўлов асосида амалга оширилиб:

- Меҳнат органлари тизими ходимлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдоридан;

- бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ходимлари, яъни мулчилик шаклидан қатъий назар барча юридик ва жисмоний шахслар учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробари миқдоридан;

- Вазирлар Маҳкамасининг “Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш чоратадбирларини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сон қарорига асосан иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлигини аттестациядан ўтказиш бўйича малака имтиҳонига ўқитиш бўйича энг кам иш ҳақининг ўн олти баробари миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

VII. ИЛМИЙ МАРКАЗНИНГ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИ

51. Илмий марказ аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳаларида халқаро ҳамкорлик қилиш, хорижий ҳамкорлар билан шартномалар тузиш, тегишли халқаро ташкилотлар билан белгиланган тартибда ўзаро манфаатли асосда илмий ахборотлар алмашиш ишларини йўлга қўяди, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро алоқаларни амалга оширади.

52. Илмий марказ ўз ходимларининг тажриба орттиришини етакчи хорижий илмий ва ўқув марказларида, ташкилотларда ва халқаро ташкилотларда амалга оширилишини мустақил равишда ташкил этиши мумкин.

53. Илмий марказда чет эл фуқароларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, Илмий марказ ходимларининг хорижий давлатлардаги ўқув ва илмий-тадқиқот ишлари, тажриба орттириши халқаро шартномалар, давлат органлари ўртасида тузилган битимлар асосида амалга оширилади.

VIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

54. Илмий марказ фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

55. Ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги буйруғи билан амалга оширилади.